

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ
АЛОҚАЛАР, ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА САВДО ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

70 Экспортга жўнатиладиган ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни сертификатлашни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил
16 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 946-1*

(2011 йил 26 февралдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 26 июлдаги ПҚ–136-сонли «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 30-31-сон, 225-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги томонидан 2000 йил 30 июнда 31-01/12-3407-сон билан тасдиқланган Экспортга жўнатиладиган ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни сертификатлашни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 946, 2000 йил 13 июль) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2000 й., 13-сон, 49-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси билан келишилган.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й.

7-8 (455-456)-сон

— 115 —

70-71-моддалар

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Вазир

Тошкент ш.,
2011 йил 25 январь,
ЭГ-01/10-5398-сон

Г. САИДОВА

Келишилган:

*Давлат божхона
қўмитаси раиси*

2011 йил 26 январь

3. ДУСАНОВ